

№ 2 (6)
2025



ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASI
NÓKIS FILIALI

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI / ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА / BULLETIN OF MUSIC AND ART

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSI

ILIMY-METODIKALÍQ JURNAL





**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ BILIMLENDIRIW,
ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRIGI
ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ MÁDENIYAT MINISTRIGI
ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIASÍ
NÓKIS FILIALÍ**

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ
Ilmiy-metodikaliq jurnal

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI
Ilmiy-uslubiy jurnal

ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА
Научно-методический журнал

BULLETIN OF MUSIC AND ART
Scientific-methodical journal

№ 2(6)/2025

SHÓLKEMLESTIRIWSHI:

Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali

Bas redaktor: – Allanbaev Rudakiy, *professor*

Juwaplı xatker: – Kamalova Difuza, *filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori, docent.*

REDKOLLEGIYA AGZALARI:

OZODBEK NAZARBEKOV – Ózbekstan Respublikası Mádeniyat ministri, professor;

AZIZBEK TURDIEV – Ózbekstan Respublikası Mektepge shekemgi hám mektep bilimlendiriw ministri orınbasarı, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

KAMOLIDDIN URINBAYEV – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası rektori, professor;

AMANULLA RIZAYEV – kórkem ónertanıw ilimleriniń kandidati, professor;

HIKMAT RAJABOV – professor;

ORAZALI TOSHMATOV – professor;

BAXT AZIMOV – pedagogika ilimleri kandidati, docent,

MUHAMMAD TOLAXOJAEVA – kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

MARFUA XAMIDOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

BOLTABOY SHODIYEV - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, docent;

OZODA TOSHMATOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

SAYYORA ĞAFUROVA – professor;

OYDIN ABDULLAEVA – professor;

IRODA MIRTALIPOVA – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

PARAXAT MAMUTOV – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

QURBANBAY JARIMBETOV – filologiya ilimleriniń doktori, professor;

ALIMA BERDIMURATOVA – filosofiya ilimleriniń doktori, professor;

ZIYADA BEKBERGENOVA – filologiya ilimleriniń doktori (DSc), professor;

ARTIQBAY EREJEPOV – pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

JANABAY MARZIYAEV – filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

Jurnal qaraqalpaq, ózbek, rus hám ingliz tillerinde baspadan shıǵarıladi. Jurnal Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administraciyası janındaǵı Málimleme hám ǵalaba kommunikaciýalar agentligi tárepinen mámleketlik dizimnen ótkerilgen. №047569 4-oktyabr, 2022-jıl.

Ózbekstan Respublikası Joqarı Attestaciya Komissiyasınıń 2024-jıl 30-iyuldaǵı 358-sanlı qararı tiykarında jurnal 17.00.00-Kórkem ónertanıw ilimleri jónelisi boyınsha dissertaciya nátiyjelerin baspadan shıǵarıw ushın arnalǵan jetekshi ilimiy jurnallar qatarına kiritilgen.

Redakciya mánzili: Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali Sh.Abdirov 2-jay.

E-mail: ozdknf@edu.uz, UZDK_Nukus@exat. Tel: 551020540 Veb-sayt: <https://science.uzdknf.uz/>

ISSN-2181-4112

ИСЛОМ ДИНИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМ ВА БАЙРАМЛАРДАГИ МУСИҚИЙ АНЪАНАЛАР

Тожибоев С.

*Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-
тадқиқот институти*

Аннотация: Мазкур мақолада ислом дини билан боғлиқ маросим ва байрамлардаги мусиқий анъаналарнинг тарихи, маънавий ва маданий аҳамияти таҳлил қилинган. Унда зикр, наът, мадхия, нашид каби диний мусика шакллари, уларнинг ижтимоий, маънавий, тарбиявий вазифалари ёритилган. Исломий маросимлардаги мусика халқ урф-одатлари ва диний қадриятлар уйғунлигида қандай ривожлангани кўрсатилган.

Калит сўзлар: Исломий маросим, мусика, мадхия, зикр, наът, урф-одат, диний қадрият, маънавият, халқ анъанаси.

Аннотация: В статье рассматриваются музыкальные традиции, связанные с исламскими обрядами и праздниками. Анализируются религиозные формы музыки, такие как зикр, нашид, мавлид, мадхия, и их роль в духовной и культурной жизни узбекского народа. Особое внимание уделено взаимосвязи между народными обычаями и исламскими ценностями через музыку.

Ключевые слова: Исламские обряды, музыка, мадхия, зикр, нашид, народные традиции, религиозные ценности, духовность, исламская культура.

Abstract: This article explores the musical traditions associated with Islamic rituals and celebrations in Uzbekistan. It examines religious musical forms such as zikr, naat, nasheed, and madhiya, highlighting their spiritual, cultural, and educational roles. The paper also discusses how Islamic music has evolved in harmony with local customs and national values.

Keywords: Islamic rituals, music, madhiya, zikr, naat, nasheed, folk traditions, religious values, spirituality, Uzbek culture.

Кириш. Ўзбек халқи маънавий меросининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган халқ оғзаки ижоди, урф-одат ва анъаналар, турли маросим ва байрамлар халқ ҳаётида бекиёс ўрин тутди. Айнан ушбу маросимлар ва уларга хос мусика анъаналари орқали авлодлар ўртасида миллий ва диний қадриятлар узвий равишда узатилади. Маросимлар жамият ва шахс ҳаётининг барча жабҳаларини камраб олган ҳолда, диний, ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланишига хизмат қилган. Бу эса, ўз

навбатида, уларнинг узоқ тарихий илдизларга эга бўлишини, жамоавий онг ва руҳиятда мустаҳкам жойлашганини кўрсатади.

Асосий қисм. Маросим ва байрамлар – муайян урф-одат ва анъаналар асосида шаклланган, диний ва ижтимоий мазмунга эга бўлган маърака ва тантаналардир. Улар орқали жамоа қалбидаги ҳамжиҳатлик, маънавий бирлик, тарихий хотира ва умумий руҳий муҳит намоён бўлади. Ушбу маросимларда мусиқа муҳим вазифани бажариб, инсон қалби ва онгига таъсир кўрсатади, маросим мазмунини чуқурлаштиради.

Маросим – халқ оғзаки ижодининг энг қадимий ва барқарор кўринишларидан бири сифатида халқ турмуш тарзи, эътиқоди ва маданиятини акс эттиради [1: 290]. Фольклоршунос Б.Саримсоқов таъкидлаганидек, “Маросим – инсон моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи билан юзага келган табиий хатти-ҳаракат, безак ва текстга эга бўлган ҳаётий сахна асаридир” [2: 9]. Бу таърифдан англашиладики, маросим жамият маънавиятини ифода этувчи рамзий-символик тизимдир.

Ислом динига оид маросимлар – жумладан, никоҳ ва тўй маросимлари, жаноза, зикр ва мавлуд йиғинлари, Ийд байрамлари – нафақат диний маърифий мақсадни, балки мусиқа орқали руҳий таъсирни ҳам кўзда тутди. Бу турдаги маросимларда наът, зикр, қуръон тиловати, мадҳия ва нашидлардан иборат исломий мусиқа шакллари ижро этилади. Улар овоз, лаҳн ва шеърӣ мазмун орқали инсон онгини таъсирлантириб, диний эҳтиром, руҳий покланиш, жамоавий яқдиллик туйғуларини мустаҳкамлайди.

Урф-одат, расм-русум ва маросимлар халқ оғзаки ижодиётининг энг қадимий катламларидан бўлиб, улар халқнинг менталитети, феъл-атвори, ахлоқий қарашлари ва ижтимоий муносабатларини шакллантирувчи муҳим манбадир. Маросимлар орқали халқ ўзининг миллий қадриятларини сақлаб, маънавий бирликни таъминлайди. Айниқса, уларда ижро этиладиган мусиқа, айтим ва олқишлар тингловчи қалбида миллий ва диний ҳис-туйғуларни уйғотишга хизмат қилади.

Байрамлар эса умумхалқ миқёсида белгиланган, муайян кунларда тантанали тарзда нишонланадиган оммавий тадбирлар бўлиб, уларда умумий хурсандчилик, маънавий меросни намоён қилиш, диний ва маданий қадриятларни қайта жонлантириш жараёни кечади [3: 53]. Исломий байрамлар – Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, мавлуд ва бошқа диний тадбирлар ана шундай умумий мазмунга эга бўлган тантаналар сирасига киради.

Ўзбек халқи асрлар давомида яратиб келган урф-одатлар, маросимлар ва анъаналар халқнинг миллий ўзлигини, эстетик тафаккурини ва маънавий дунёкарашини намоён этувчи қадриятлар ҳисобланади [4: 3]. Улар нафақат тарихий хотира, балки ижтимоий муомала, диний эътиқод ва инсонлараро муносабатларни тартибга солувчи механизм сифатида ҳам хизмат қилган. Фольклоршунос Маматкул Жўраев таъкидлаганидек, бу урф-одат ва маросимлар – ўзбек халқининг юксак маънавий маданиятини намоён этувчи “ажойиб бир кўзгу” сифатида ҳар бир авлоднинг онгини шакллантириб келади [5: 7-8].

Исломий маросимларда, айниқса, Қуръон тиловати, нашид ва наътлар, зикр ҳамда мадҳиялар каби диний мусиқа шакллари алоҳида ўрин тутadi. Ушбу мусиқий ифодалар инсон руҳиятига таъсир этиши, қалбда шукроналик, эҳтиром, сукунат ва эзгулик туйғуларини уйғотиши билан ажралиб туради. Шунингдек, улар маърифий, ахлоқий ва тарбиявий вазифаларни ҳам бажаради. Байрам ва маросимлардаги мусиқий ижролар халқнинг диний эътиқоди, маънавий ҳолати ва миллий руҳиятининг ифодаси сифатида хизмат қилади.

Исломий маросим мусиқаси – бу ислом таълимоти, тарихий анъаналар ва руҳий эҳтиёжлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган мусиқавий ифода шакли бўлиб, у мазмуни, бажарадиган вазифалари ва ижро анъаналари жиҳатидан исломий маданий мероснинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади.

Ислом дини билан боғлиқ асосий маросимлар – жума намози, икки хайит (Қурбон ва Рамазон), мавлуд (Пайғамбар туғилган кун), хатм, никоҳ, таровех, вафот этиш маросимлари ва бошқалар шундай мусиқанинг ижтимоий ҳаётдаги амалий қўлланиш доирасини белгилайди. Ушбу маросимларда ижро этиладиган тиловатлар, нашидлар, мадҳиялар, наътлар ва зикрлар исломий мусиқанинг диний, ахлоқий ва жамоавий бирликни мустаҳкамлашга қаратилган вазифаларини намоён этади. Исломий маросим мусиқаси қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

1. Маълумот бериш ва маърифий тарбия вазифаси. Исломий мусиқа воситасида Қуръони карим оятлари, ҳадислар, пайғамбарлар ҳаёти ва ислом таълимотининг муҳим жиҳатлари кенг оммага, хусусан ёш авлодга етказилади. Нашидлар ва наътлар орқали ахлоқий тарбия, эзгуликка чорлов, таҳорат, ҳалоллик ва сабр-тоқат каби қадриятлар сингдирилади.

2. Руҳий-маънавий таъсир ва покланиш вазифаси. Зикр, мадҳия ва тиловатлар инсон қалбида таскин ва руҳий барқарорлик ҳисларини уйғотади.

Ушбу мусиқа турлари орқали диндор киши нафақат рухан мусаффо бўлади, балки яқинлашув ва илоҳий муҳаббатни ҳис этади.

3. Жамоавий бирликни кучайтириш вазифаси. Исломий байрамлар ва маросимларда ижро этиладиган мусиқалар, жумладан, мавлуддаги мадҳиялар, тўйдаги диний нашидлар ёки зикр йиғинларидаги мусиқа – жамоа қалбини бирлаштиради, умумий диний эҳтирос ва ахилликни шакллантиради.

4. Маданий ва тарихий меросни сақлаш вазифаси. Исломий маросим мусикаси орқали муқаддас анъаналар авлоддан авлодга ўтади. Айниқса, тарихий наътлар, анъанавий мадҳиялар ва халқ ижодида сақланиб қолган диний куйлар исломий маданий меросни ҳифз этиш ва ёшларга етказиш воситасидир.

5. Ижтимоий ва маънавий уйғунликни таъминлаш вазифаси. Маросимлар давомидаги мусикий ифода воситасида инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва маънавий уйғунлик кучаяди. Бу, айниқса, дафн маросимлари, мавлуд тантаналари ва умумий зикр йиғинларида яққол кўринади.

Бугунги кунда ҳам ушбу анъаналар фаол равишда давом этмоқда. Маросим ва урф-одатлар ўзбек халқининг номоддий маданий мероси сифатида давлат ва жамоатчилик томонидан эътибор ва ҳимояга олинмоқда [6: 34]. Улар орқали халқимизнинг ижтимоий тафаккури, диний қарашлари, маданий салоҳияти ва эстетик диди шакллантирилади [3: 52]. Ушбу жараёнда исломий маросим мусикасининг ўрни бекиёс бўлиб, у халқ ижодининг бардавом жанри сифатида миллий маънавиятнинг узвий қисмидир.

Ҳар бир маросим ва байрам халқнинг маданий қадриятлари, эътиқодий қарашлари ва тарихий хотирасини ўз ичига олган ижтимоий-маънавий жараёндир. Уларнинг мазмунида миллатнинг рухий дунёси, турмуш тарзи, умуминсоний ва диний қадриятларга бўлган муносабати мужассамлашган. Шу боис маросим ва байрамлар шунчаки тантана эмас, балки халқнинг ижтимоий, диний ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган маданий-психологик феномен сифатида намоён бўлади. Улар халқнинг номоддий маданий мероси сифатида қаралади ва авлоддан-авлодга ўтиб, миллий-диний анъаналарни узвий тарзда сақлаб қолишга хизмат қилади.

Маросим ва урф-одатлар анъанавий маданиятнинг энг қадимий ва барқарор кўринишлари қаторига киради. Уларда халқнинг эътиқодий қарашлари, эстетик тасаввурлари ва ижтимоий онги ўз аксини топади. Мусикий анъаналар эса бу маросимлар таркибий қисми сифатида фаолият

кўрсатиб, сўз, ракс, кўшиқ ва томоша санъати билан уйғунликда ривожланиб келган. Айниқса, исломий мазмундаги маросимларда – Қуръон тиловати, нашид ва наътлар, зикр, мадҳиялар каби мусиқавий элементлар орқали инсон қалбида диний эҳтиром, маънавий покланиш, руҳий барқарорлик ҳисси шаклланади.

Жаҳон динлари – буддизм, насронийлик ва ислом – билан боғлиқ маросимлар маълум диний таълимот ва ақидаларга асосланган ҳолда ташкил этилган. Бу маросимлар диний эътиқод ва ибодатнинг амалий кўриниши сифатида юзага келган бўлиб, муайян диннинг талаб ва эҳтиёжларига мослашган. Ислом динида эса маросимлар кенг қамровли ахлоқий-маърифий вазифаларни бажаради. Улар ичида ақиқа, хатна, никоҳ, жаноза, рўза, хайитлар, ҳаж, амри маъруф, таровеҳ, хатм каби маросимлар бор бўлиб, ҳар бири муайян диний-ижтимоий мақсадга хизмат қилади.

Ислом байрамлари – Рамазон хайити (ийд ал-фитр) ва Қурбон хайити (ийд ал-адҳа) – мусулмон умматининг муқаддас кунлари бўлиб, улуғ ибодатлар якунидаги шукрона ва қурбонлик руҳини ифода этади. Ушбу байрамлар исломий маросим мусиқасининг муҳим намоён бўладиган майдонларидандир. Бу байрамларда Қуръон тиловати, мадҳия ва нашидлар ижроси халқнинг эътиқодини мустаҳкамлаб, улуғвор руҳий муҳитни яратади. Жума куни ҳам мусулмонлар учун муқаддас саналиб, “сайид ал-айём” – “қунлар султони” сифатида эъзозланади ва ушбу кунидаги маросимларда ҳам мусиқий ифода шакллари акс эттирилади [1: 225].

Исломий маросимлардаги мусиқий анъаналар Турон халқларининг қадимий диний эстетик қарашлари билан ҳам узвий боғланган. Зардуштийлик, шомон-бахшилик ва буддизм сингари илк эътиқод тизимларида ҳам мадҳия, руҳий мусиқа, даволаш таронаси, зикрга ўхшаш шакллар мавжуд бўлиб, улар баъзан исломий анъаналар билан синкретик тарзда қоришиб, бугунги кунгача халқ орасида яшаб келмоқда. Масалан, шомон-бахшиликдаги “Кўч”, “Кўчирик”, “Қайтарма”, “Жаҳр” сингари даволаш маросимларидаги мусиқа ислом давридаги зикр ва мадҳия шаклларида қайта намоён бўлган [6].

Мусиқий фольклор ва анъанавий ижро мактаблари исломий маросим ва байрамлар ичида ривожланиб, улар орқали диний ва миллий қадриятларнинг узвий боғлиқлиги таъминланган. Бундай мусиқа шакллари – наът, нашид, мадҳия, зикр таронаси, шунингдек, ижтимоий бирлик, маънавий соғломлашув ва маърифий таъсирга эга. Улар мусиқанинг фақат санъат эмас,

балки таълим, тарбия ва рухий-маданий алоқа воситаси сифатидаги вазифаларини очиб беради.

Исломий анъаналарга кўра, диний маросим ва байрамлар шахс, оила ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Улар ислом таълимоти, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ижтимоий муносабатлар билан узвий боғланган ҳолда, муайян маърифий, тарбиявий ва ахлоқий вазифаларни бажаради. Ушбу маросим ва байрамлар исломий маросим мусикасининг ижро майдонини белгилаб, унга мазмун ва шакл жиҳатидан бойлик бахш этади.

Шундай маросимлардан бири – **ақиқадир**². У оилада янги фарзанд дунёга келганини нишонлаш мақсадида ўтказиладиган суннат амал ҳисобланади. “Ақиқа” атамаси араб тилидан олиб қаралганда “ярим қимматбаҳо тош” ёки “боланинг сочини олиш” маъноларини англатади. Ислом анъанасига кўра, бола туғилганидан 7, 14 ёки 21 кун ўтгач, унинг исмини қўйиш, қорин сочини олиш, ва танглайига ширинлик суртиш каби амаллар бажарилади. Шундан сўнг, имкониятга қараб, Аллоҳга шукрона сифатида бир ёки икки қўй сўйиб, ақиқа қурбонлиги қилинади. Шу кун чакалоқ ўғил бўлса, хатна маросими ҳам ўтказилиши мумкин. Ақиқа маросими доирасида ўтказиладиган диний шеърий ва мусикавий ижролар – масалан, наът, мадҳия, дуо ва зикрлар – нафақат маънавий муҳит яратиш, балки маросим иштирокчилари қалбида диний ҳис-туйғуларни кучайтириш вазифасини ҳам бажаради.

Ақиқа сингари исломий маросимлар халқнинг анъанавий турмуш тарзида авлоддан авлодга ўтиб келаётган, бир вақтнинг ўзида ҳам диний, ҳам ижтимоий-рухий аҳамиятга эга маънавий воқеликлар сирасига киради. Бу маросимлардаги мусика ижроси исломий маросим мусикасининг турлари ва вазифаларини янада бойитади ҳамда унинг амалий аҳамиятини очиб беради.

Амри маъруф³ ислом таълимотидаги асосий маънавий ва ахлоқий тушунчалардан бири сифатида, жамиятда яхшиликни рағбатлантириш ва иллатларни бартараф этиш вазифасини бажаради. Бу амр фақат шахсий тарбия ёки диний таълим билан чекланмасдан, ислом жамиятида маърифий-иршодий тадбир сифатида ҳам намоён бўлган. Хусусан, “амри маъруф” маросимларида диний ва маърифий руҳдаги суҳбатлар, нозирлар томонидан тиловат қилинган Қуръони карим оятлари, ҳамда маънавий тарбиявий қўшиқлар (илоҳийлар, мадҳиялар, иршодий шеър утароналар) ижро этилган.

² Ақиқа – арабча сўз бўлиб, “чакалоқ сочини олиш, қурбонлик сўйиш” маъносини англатади.

³ Амри маъруф – арабча сўз бўлиб, “амр бил маъруф ва наҳй ан ил мункар” – “яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш” демакдир.

Бу қўшиқлар кўпинча муқам шаклида ёки маҳаллий анъанавий услубларда куйланиб, жамоатнинг рухий тафаккури ва ахлокий савиясини оширишга хизмат қилган. Шундай тадбирларда суфий мусиқа анъаналарига хос бўлган мақомлар ҳам мавжуд бўлиб, улар мазмун жиҳатидан Қуръоний маъноларга уйғун ва ғоят таъсирли бўлган.

Дарвишона эса Турон халқлари, жумладан, Туркистон мусулмон жамиятида шаклланган қадимий маросимий анъаналардан бири ҳисобланади. Бу маросим, одатда, баҳор фаслида қишлоқ ва шаҳар аҳолиси томонидан ихтиёрий хайрия тарзида ташкил этилган бўлиб, у икки мақсадни қамраб олган: бир томондан, юртда тинчлик ва фаровонликни тилаш, иккинчи томондан эса ер ҳамда деҳқончиликка барака сўраш. Дарвишона тадбирлари давомида турли суфий тартибдаги зикрлар, дарвешлар томонидан ижро этилган махсус мадҳий куйлар ва қўшиқлар жамоавий руҳда ижро этилган [5: 37]. Айниқса, хонақоларда ёки қабристонлар ёки муқаддас жойларда ўтказилган дарвишона маросимларида сўйилган ҳайвон гўшти махсус тарзда пиширилиб, халқ орасида тарқатилган, унинг бир қисми эса рамзий равишда сувга ташланган. Бу амал Аллоҳдан ёмғир, ризқ ва барака сўраш, ерни обод қилиш нияти билан амалга оширилган. Суфий мусиқанинг муҳим қисми бўлган вокал ва инструментал анъаналар бу маросимларда ажралмас таркибий қисм сифатида иштирок этган.

Ислом динидаги маросим ва байрамлар, айниқса улар билан боғлиқ удум ва урф-одатлар, юртимиз халқининг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Ушбу маросимларда юзага келган мусиқий анъаналар халқнинг тарихий хотираси, диний эътиқоди ва эстетик қарашларини намоён этади. Бу анъаналарда исломий қадриятлар билан бағрикенглик руҳида сингдирилган қадимий халқ удумлари ўзаро уйғунлашиб кетган.

Шу жумладан, **Биби Сешанба** (ёки Сешанба она) маросими исломдан аввалги аёллар билан боғлиқ афсонавий эътиқодларнинг исломий муҳитда сақланиб қолган намунасидир. Бу маросим айниқса чарх йигирувчи ва хонадонда турмуш бошқараётган аёллар учун аҳамиятли бўлиб, улар томонидан оила бахти, фарзандлар саломатлиги ва фаровон ҳаёт учун ўтказилади. Биби Сешанбага бағишланган тадбирларда қўшиқлар, мадҳийалар ва халқ оғзаки ижодига хос маросимий тароналар янграйди. Ушбу анъанавий қўшиқлар орқали аёллар эзгу тилакларини ифода этадилар, бу эса исломий қадриятлар ва халқ мусикаси уйғунлигининг яққол намунасидир.

Жаноза – исломда дафн маросими бўлиб, ўта жиддий маънавий-ахлокий тартибга эга. Жаноза намози жамоат билан ўқилади ва у ўлиққа ҳурмат ва оқибат рамзи ҳисобланади. Қуръон ва ҳадисларда жаноза билан боғлиқ қоидалар аниқ белгиланган бўлса-да, амалда бу маросим исломгача бўлган анъаналар таъсирида муайян халқона урфлар билан бойитилган. Жаноза маросимларида мусикий анъаналар тўғридан-тўғри эмас, балки марсиялар, мадҳийалар ва қироатлар кўринишида юзага чиқади. Уларда инсон ҳаётининг өткрлиги, охират ҳақидаги ибратли сўзлар, сабр-тоқатга чорловчи рухий таъсир мавжуд бўлади.

Жума⁴ куни – ислом солномасида алоҳида аҳамиятга эга кун сифатида эътироф этилади. У мусулмонлар ҳафтанинг энг улуғ куни сифатида жамоавий ибодатлар ва маънавий бирлик кунидир. Жума намозида Қуръон тиловати, хутба, баъзан сўфий ёки мадҳий кўшиқлар (масалан, зикр ва само анъаналари доирасида) ижро этилиши ҳам кузатилади. Ҳадисларда жума кунидаги бир неча муҳим воқеалар тилга олинади: Одам Ато яратилиши, жаннатга киритилиши ва ундан чиқарилиши, шу кун қиёмат куни бўлиши ҳақидаги эътиқод бу куннинг муқаддаслигини янада мустаҳкамлайди. Жума маросимларида ҳам, айниқса тасаввуф муҳитда, рухий тарбияга йўналтирилган мусикий шакллардан фойдаланиш ҳоллари мавжуд [1: 174]. Бу, айниқса, Қуръон тиловати ва илмий-маърифий хутбалар билан уйғунлашган ҳолда маънавий тарбия воситаси сифатида хизмат қилади.

Хатми Қуръон⁵ маросими Қуръони Каримни тўлиқ ўқиб, унинг маъноларини тушуниш ва диний муҳитда дуо билан якунлашни англатади. Бу маросим одатда марҳумларнинг руҳига бағишлаб ўтказиладиган диний анжуманлардан бири бўлиб, унда оятлар тиловати, мадҳий кўшиқлар, дуо ва зикрлар мусикий-оҳангдор услубда ижро этилади. Хусусан, Рамазон ойидаги тарових намозлари чоғида Қуръоннинг бошидан охиригача тиловат қилиб чиқиш - Хатми Қуръоннинг энг шариф шакли ҳисобланади. Бу маросимда Қуръон ўқиш билан бир қаторда, диний мазмунга эга кўшиқлар ва мадҳлар орқали рухий таъсир янада оширилади.

Зикр⁶ – тасаввуф анъаналарида Аллоҳни ёдга олиш мақсадида амалга ошириладиган рухий маросим бўлиб, ислом оламида кенг тарқалган. Зикр алоҳида тайёргарлик, фазо ва иштирокчилар таркиби талаб этувчи маросимий жараён ҳисобланади. У овоз чиқариб (жаҳрий) ёки шивирлаб

⁴ Арабча “жам бўлиш” маъносини билдиради.

⁵ Хатми-Қуръон - арабча сўз бўлиб, “тугатиш, тамом қилиш. охирига етказиш” маъносини билдиради.

⁶ Зикр – арабча – ёдга олиш, эслаш.

(хафий) амалда бўлади. Тасаввуф анъаналарда зикр маълум оятлар, диний мазмундаги шеърлар, махсус иборалар ва ҳаракатлар билан ижро этилади. Каввал ёки шайх етакчилигидаги даврада иштирокчилар ўзига хос оҳангда “Аллоҳу акбар”, “Ла илоҳа иллаллоҳ”, “Аллоҳ ҳайи” каби зикр ибораларини такрорлаб, руҳий ҳолатга киришади. Баъзи ҳолларда мусиқа ва ҳаракатлар (тасаввуфий рақслар) уйғунлиги туфайли иштирокчилар экстатик ҳолатга кириши, яъни ўзлигини унутиши ҳам кузатилади. Зикр маросимлари исломий мусикий мероснинг диний-ирфоний шакли сифатида шаклланган.

Намоз⁷ – ислом динининг беш рукнидан бири бўлиб, ҳар бир мусулмон учун фарз ҳисобланади. У диний ибодат шакли бўлишидан ташқари, маълум даражада маросимий хусусиятга ҳам эга. Бир кеча-кундузда беш маҳал ўкиладиган намозларда (бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон) муқаррар ҳаракатлар, тиловатлар, дуолар белгиланган тартибда бажарилади. Намоздаги сано, сура ва дуоларнинг маълум оҳангда ўкилиши, жамоавий рух ва тинч фазо билан уйғунлиги унинг маросимий ва мусикавий хусусиятларини янада белгилаб беради. Меърож кечасида мусулмонларга фарз қилинган ушбу ибодат тури, вақт, жой ва жамоа билан боғлиқ ҳолда ижро этилади. Шунингдек, ҳайит, Хатми Қуръон, тарових каби махсус намозларда жамоа билан ўкиладиган тиловатлар, тасбеҳлар ва мадҳлар диний мусиканинг амалий кўринишларидан бири сифатида юзага чиқади.

Ислом динида **никоҳ тўйлари** нафакат оилавий қонунлаштириш акти, балки диний ва маънавий жиҳатдан муҳим маросим сифатида амалга оширилади. Никоҳ маросими уч босқичдан иборат бўлиб, унда совчилик, унаштириш ва фотиҳа тўйи каби амалий урф-одатлар иштирок этади. Маросимнинг марказий қисми бўлган никоҳ тўйида махсус қўшиқлар, ниҳоятда эҳтиром билан бажариладиган дуо ва тилаклар, рағбатли лаҳнлар ижро этилади. Мусикий анъаналар келин ва қуёвнинг ижтимоий мақоми, оилага кириши ҳамда жамоат олдидagi янги бурчлари билан боғлиқ маънавий муҳитни яратишда муҳим рол ўйнайди.

Рамазон ойи ислом динида энг муқаддас ойлардан бири бўлиб, бу ойда мусулмонлар **рўза**⁸ тутадилар. Бу даврда илоҳий руҳ, зикрлар, Қуръон тиловати, мадҳиялар ва мунажжатлар орқали исломий маданиятнинг мусикий ифодаси юзага чиқади. Рамазоннинг тунларидаги таровеҳ намозлари пайтида тиловат билан ҳамоҳангликда махсус мақомдаги тиловат мусикалари эшитилади. Бу жараёнда диний руҳни кучайтириш, қалбда сокинлик ва

⁷ Форсча, арабча – салат.

⁸ Рўза – форсча “рўза, кундузги иш, арабча “савм”, “бирор нарсадан ўзини тийиш” маъносини англатади.

худолик туйғуларини мустаҳкамлашда анъанавий мусикий унсурлар хизмат қилади.

Рамазон ойи тугагач, Рамазон (Ийд ал-Фитр) ҳайити нишонланади. Бу байрамда масжидларда байрам намозлари ўқишли билан бир қаторда, халқ орасида байрамона кўшиқлар, мадҳиялар, жанрга хос мусикий чиқишлар амалга оширилади. Қурбон ҳайитида эса қурбонлик маросимлари билан бирга тилаклар, ҳаёт, сабр ва бағрикенгликни тарғиб қилувчи мадҳиялар ижро этилади. Ушбу байрамларда халқ оғзаки ижоди – терма, лапар, кўшиқ ва дoston шаклидаги мусиқалар асосан мақом ва халқ чолғу созлари ҳамроҳлигида баён этилади.

Суннат тўйи⁹ – бола тўлиқ мусулмон жамоасига мансубликка киритилиши маросими сифатида муҳим аҳамиятга эга. Хатна маросимлари пайтида тантанали равишда олиб бориладиган тадбирлар, айниқса меҳмонларни қарши олишда ва хатнадан кейинги базмларда халқ анъаналарига хос кўшиқлар, куй ва рақслар ижро этилади. Мусикий анъаналарнинг бу тури бола учун янги ижтимоий мақомга қадам қўйишини ифодаловчи рамзий-эстетик восита ҳисобланади.

Суннат (одат, анъана) ва суннат амаллар (Қуръон ва ҳадисга асосланган ҳаёт тарзи) мусулмонлар учун намуна ҳисобланиб, улар доирасидаги байрам ва маросимлар мазмунан ҳам, шаклан ҳам исломий меъёрларга уйғунлашган. Исломга хос маросимлар миллий урф-одатлар билан омукта ҳолда сақланиб қолган ва улардаги мусикий анъаналар бугунги кунгача халқ ҳаётида ўзига хос ўрин тутди. Масалан, жанозада матамсираш мусиқалари эмас, балки Қуръон оятларининг тиловати ва зикрлар орқали рухий муҳит яратилади; тўй ва байрамларда эса халқ кўшиқлари, мақом, лапарлар орқали ижтимоий ва маънавий бирлик ифодаланади.

Ислом динида муҳим маросимлардан бири – **хатна** (арабча “атнун” – кесиш, қисқартириш маъносини англатади), суннат амали сифатида мусулмон жамиятларида кенг тарқалган. Аслида, бу маросим ислом дини тарқалишидан анча аввал, ибтидоий жамоа тузуми даврида шаклланган бўлиб, ўсмир боланинг жамиятда янги мақом – катталар сафига кўшилишини белгилаб берган. Илк маросимларда бола турли жисмоний синовлардан ўтказилган: оч қолдириш, танасига ва юзига жароҳат етказиш, тишни сулиб ташлаш ёки ёнғоқ каби ёговлаш каби урф-одатлар юзага келган.

Ислом дини тарқалиши билан хатна маросими суннат амалининг бажарилишига айланди ва унинг ижтимоий-диний аҳамияти ортди. Ўғил

⁹ Арабча сўз бўлиб, “одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи” маъноларини билдиради.

болани чин мусулмонлар қаторига киритувчи бу амал кейинчалик байрам тусини олди. **Хатна тўйи** халқ анъанавий маданиятида тўлиқ шаклланган маросим-байрам тизимидир: тўйга тайёргарлик кўриш (маслаҳат оши бериш), кўни-кўшни, қариндош-уруғ, дўст-биродарларни таклиф этиш, тантанали равишда меҳмонларни кутиб олиш, улар учун ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ҳашаматли дастурхон ёзиб, куй-кўшиқ, мусика, рақс ва томоша намоишлари билан тўйни нишонлаш кенг тарқалган.

Хатна маросимида халқ мусиқий ижодининг муҳим таркибий қисмлари бўлган анъанавий куйлар, бахшичилик, лапарлар, ўйин кўшиқлари ва куйли шеърят элементлари жонли тарзда намоён бўлади. Масалан, бола учун алоҳида тилаклар, дуо тарзидаги кўшиқлар ижро этилади; “хатнабандлик” маросимида қизиқчи ва ошуғ-бахшилар иштирокида томоша намоиш этилади. Маҳаллий куй ва маком анъаналари асосида куйланган рақс мусикаси орқали маросим байрамонга руҳда ўтади. Шу тариқа, хатна тўйи диний мажбуриятни адо этиш билан бирга халқнинг маданий ва мусиқий дунёқарабини акс эттирувчи, авлоддан авлодга ўтиб келаётган муҳим маросимлардан бири сифатида ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Никоҳ, хатна, жаноза ва ҳайитлар – буларнинг барчаси халқ анъаналаридан шундай таъсир олганки, улардаги мусиқий элементлар миллийлик ва динийлик уйғунлигини ифода этади. Жаноза маросимида мусиқий анъаналар тантанавий куйлар ифодасида эмас, балки Қуръон тиловати, тасбеҳ ва руҳий мадҳиялар орқали юзага чиқади. Бу ўз навбатида маросимнинг сўнги фанига мос равишда сукут ва тадаббурни сақлашга хизмат қилади.

Ислом динининг беш асосий рукнидан бири – **Ҳаж** амалидир. Арабча “ҳаж” сўзи муқаддас зиёрат маъносини англатиб, ҳар бир мусулмон учун ҳаётида бир марта Макка ва унинг атрофидаги муқаддас жойларни зиёрат қилиш фарз қилинади. Зулҳижжа ойида адо этиладиган ушбу ибодат зиёрат маросимлари ва диний урф-одатларни (маносик ал-ҳаж) ўз ичига олади. Ҳаж тадбирлари қаторида эҳромга кириш, Каъбани тавоф қилиш, Арафот тоғида вуқуф қилиш, шайтонига тош отиш, қурбонлик сўйиш, ҳайит намозлари каби амаллар мавжуд бўлиб, улар Қуръони карим ва суннат асосида тартибга солинган.

Ҳаж маросимидаги мусиқий анъаналар қатъий маънодаги ижро мусикаси шаклида бўлмасада, диний руҳдаги зикрлар, ҳазин товушдаги тиловатлар, сафлардаги ҳамнафас ижроли мадҳиялар ва нола тарзидаги дуолар руҳий-маънавий таъсир кучига эга. Бу анъаналар, айниқса, тартибли

оҳанг, овоз ва овознинг умумий кайфиятга таъсир этувчи шаклдаги янграши орқали мусулмон зиёратчиларнинг эҳсосий ва рухий бирдамлигини таъминлайди. Ҳаж маросимларидаги мусикий иборалар – Қуръон тиловати, такбирлар, зикрлар ва салаотлар тарзидаги садолар орқали шаклланиб, диний қадриятлар ва маънавий юксалишнинг ифодаси сифатида талқин этилади.

Ислом динидаги асосий диний байрамлар – **Рамазон ҳайити** (Ийд ал-фитр) ва **Қурбон ҳайити** (Ийд ал-адҳа) – диний эътиқод, ибодат ва маънавий уйғонишнинг умуминсоний ифодасидир. Арабча “ийд” сўзи “байрам” маъносини англатиб, ушбу ҳайитлар мусулмон жамоаси учун диний аҳамиятга эга бўлган муҳим маросимлар даврини яқунловчи тантаналар сифатида шаклланган. Бу байрамлар Ҳижрий камарий тақвим асосида ҳар йили турли кунларга тўғри келади: Рамазон ҳайити шаввол ойининг 1-кунида, Қурбон ҳайити эса зулҳижжа ойининг 10-куни нишонланади.

Рамазон ҳайити – бир ойлик рўза тугаши муносабати билан нишонланадиган маънавий тозаланиш, сабр-тоқат ва ихлос байрамидир. Ушбу байрамнинг ислом анъанасидаги муҳим жиҳатларидан бири фитр садақасини беришдир. Бу амал эҳсон ва саховатнинг ифодаси бўлиб, мухтожларга моддий ёрдам кўрсатишни назарда тутаяди. Рамазон ҳайити эрталабги намоз билан бошланади ва тантанали руҳда ўтади.

Қурбон ҳайити эса ҳаж маросимларининг яқунланиши ва Пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломнинг Аллоҳ учун ўғлини қурбон қилишга тайёрлик кўрсатган фидокорлигини ёд этишга бағишланган. Бу байрамдаги қурбонлик амаллари, яъни жонлик сўйиш – эътиқод ва иймоннинг юксак даражадаги намоёнидир. Қурбонлик қилинган гўшт мухтожларга, яқинларга ва ўз оиласига улашилади.

Ҳар икки ҳайитда ҳам диний ибодатлар билан бирга, халқ анъаналаридан ўрин олган мусикий ва маданий тадбирлар ҳам аҳамият касб этади. Масжидлар ва маҳаллалардаги байрамона тантаналарда **мусикий анъаналар**, хусусан, дойра ва карнай-сурнай жўрлигидаги ижролар, халқ кўшиқлари ва мадҳиялар янграйди. Бу мусикий жиҳатлар диний байрамларни нафақат маросим, балки маънавий ва ижтимоий бирлаштирувчи омилга айлантиради. Ҳайит кунлари ижро этиладиган куй-кўшиқларда сабр, шукроналик, ихлос, саховат ва қардошлик каби қадриятлар тараннум этилади. Қурбон ҳайити давридаги байрам маросимларида эса халқ ўйинлари ва мусикали намоишлар орқали жамоавий шодлик ифодаланади. Шу тариқа, Ҳайит байрамлари диний маърифат ва ибодат рўёби сифатида, шунингдек,

муסיкий анъаналар орқали халқнинг юксак маънавияти, маданияти ва миллий ўзлигини ифода этувчи омил сифатида намоён бўлади.

Исломий байрамлар қаторидаги яна бир муҳим сана – **Мавлуд ан-набий** (араб. – туғилиш, Муҳаммад (с.а.в.)нинг туғилган куни) айна пайтда диний эҳтиром ва маданий муҳитни ифода этувчи муסיкий анъаналар билан ажралиб туради. Рабиул аввал ойининг 12-куни нишонланадиган мазкур байрамда Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёти, одоб-ахлоқи ва у зотнинг динимизга қўшган ҳиссаси ҳақидаги **мадҳиялар, қасидалар ва мавлудхонлик** намоён бўлади. Бу анъана халқ ижоди ва диний маънавият уйғунлашувининг яққол намунасидир.

Мавлуд маросимларида “Мавлуд ан-набий” номли шеърый асар (айниқса, Имом Барзанжий қаламига мансуб қасидалар) махсус мақомда ўқилади. Бу қасидалар диний муסיқа ва шеърятнинг бир-бирига боғлиқ ҳолда халқ қалбига таъсир қилишини таъминлайди. Масжидларда ёки хонадонларда ўтказиладиган ушбу маросимлар жамоавий руҳиятни кучайтириши, диний бирдамликни мустаҳкамлаши билан алоҳида аҳамиятга эга. Айрим минтақаларда мавлуд маросими аёллар томонидан яқка ёки гуруҳ бўлиб ўқилади, бошқа ҳудудларда эса эркаклар томонидан жамоавий маросим сифатида ташкил этилади.

Хулоса. Умуман олганда, ислом дини билан боғлиқ маросим ва байрамлардаги муסיкий анъаналар халқимизнинг дин ва маданият уйғунлиги асосида шаклланган юксак маънавий меросидир. Бундай анъаналар – мавлудхонлик, наътийалар, зикр-ашула, мадҳия ва салаотлар ижроси – исломий қадриятларнинг халқнинг урф-одатлари билан муסיқа орқали уйғунлашган шаклидир. Улар жамоа руҳини мустаҳкамлаш, маърифий ғояларни кенг тарғиб этиш, диний-ахлоқий тарбия беришда муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан, исломий маросимлардаги муסיкий анъаналар нафакат эстетик завқ, балки маънавий етукликни ҳам шакллантирувчи муҳим маданий бойлик ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ислом. Энциклопедия. 2 нагр. – Тошкент. 2017.
2. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фолькори. – Тошкент. 1986.
3. Абдуллаев Рустамбек. Анъанавий ўзбек муסיқаси асослари.
4. Ҳайдаров Азамат. Қадриятлар гултожи. // Маросимнома.
5. Жўраев Маматкул, Худойқулова Латифа. Маросимнома. – Тошкент. 2008.

MAZMUNÍ

MUZÍKATANÍW

1	Султанова Е. ФОРТЕПИАННОЕ ТРИО ФРАНСИСА ПУЛЕНКА В КОНТЕКСТЕ ФРАНЦУЗСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ МУЗЫКИ XX ВЕКА	3
2	Миркасымова Э.З. ИСПОЛНИТЕЛЬСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ КАК ВАЖНЕЙШИЙ ЭТАП ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУЗЫКАНТА	9
3	Мирсолихова Х.М. МУСИҚИЙ АСАР УСТИДА ИШЛАШ ЖАРАЁНИ ҲАҚИДА	16
4	Тожибоев С. ИСЛОМ ДИНИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМ ВА БАЙРАМЛАРДАҒИ МУСИҚИЙ АНЪАНАЛАР	21
5	Abatbaeva R.A. KOMPOZITORLAR IJODIDA BALLADA JANRINING SHAKLLANISHI VA BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI	34

KÓRKEM ÓNER

6	Allanbaev R.O. “SUYMAGANGA SUYKALMA” MUSIQALI DRAMASINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	41
7	Аббарова М. ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АЁЛ КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ ТАҒАҚҚУРИ МОҲИЯТИ	52
8	Aytmuratov B.K. AKTYOR INDIVIDUALLIGINI SHAKLLANTIRISHDA ROL YARATISH USLUBIYATINING NAZARIY VA AMALIY ASOSLARI	59
9	Azimov K. DIRIJYORLIK TEXNIKASINING NAZARIY MASALALARI	68
10	Eminov N. “ALPOMISH” MUSIQALI DRAMASIGA AYRIM CHIZGILAR	73
11	Gulmanov I. DÁSTÚRIY HÁM ZAMANAGÓY MUZÍKADA DÁP ÁSBABÍNÍN RAWAJLANÍW BASQÍSHLARÍ	80
12	Jaqsımuratova B. VOKAL ATQARIWSHÍLÍGÍNÍN TARIYXIY EVOLYUCIYASÍ	86
13	Karimova N. FESTIVAL TUSHUNCHASI VA ULARNIG ILMIY-NAZARIY ASOSLARI	92
14	Kazakbayeva M. ARIYALAR USTIDA ISHLASH JARAYONIDA JO‘RNAVOZNING AHAMIYATI	98
15	Kutekeeva R. QORAQALPOG‘ISTON OPERA SAN’ATIDA MILLIY OBRAZLAR TALQINI	104

16	Matjanova M. ATQARIWSHILIQ MADENIYATIDA KONCERTMEYSTERDIN TIYKARGI WAZIYPALARI	110
17	Sharipov N. ZAMONAVIY FANDA AYOL OLIMALARNING O'RNI	117
18	Osman Kopadze. THE SOFT POWER IMPACT OF TURKISH TELEVISION SERIES ON UZBEK SOCIETY	122
19	Paxratdinova L. SKRIPKANING KELIB CHIQISHI VA IJROCHILIK AN'ANALARI	130
20	Shukurov A. TEATR SAN'ATINI RIVOJLANTIRISHDA TARIXIY VA ZAMONAVIY YONDASHUV	136
21	Tursunov E. AN'ANAVIY YO'NALISHDAGI XONANDALIK ASARLARI BOSHQA MILLAT VAKILLARI IJROCHILIGIDA	147
22	Измаилов А.М. ФОРМИРОВАНИЕ ОРКЕСТРОВОЙ ФУНКЦИИ ЗВУКОВЫСОТНЫХ УДАРНЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В XVI–XVII ВЕКАХ	153
23	Давыдова Т. СТИЛЕВЫЕ ОСОБЕННОСТИ СИМФОНИЧЕСКИХ ОПУСОВ ТУЛКУНА КУРБАНОВА	165
24	Миркасымова Э.З. ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ И СТИЛЕВЫЕ ПРИНЦИПЫ ФОРТЕПИАННЫХ ЦИКЛОВ Д.САЙДАМИНОВОЙ.	170
25	Charshemov J.A. QARAQALPAQ KOMPOZITORLARININ XOR USHIN JAZILGAN SHIGARMALARI	177

MUZIKA PEDAGOGIKASI

26	Djumaniyazov U.M. XALQ MUSIQA IJODIYOTINI O'RGANISHGA PEDAGOGIK YONDASHUV	187
27	Yusupaliyeva D. YOSHLARNING MA'NAVIY TARBIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA MADANIYAT VA SAN'ATNING O'RNI VA AHAMIYATI	196
28	Muratbaev A. ORFF METODI TIYKARIDA MUZIKA SABAQLARIDA SAZ ASBAPLARDAN PAYDALANIV	204
29	Мелькумова Э.И. ФИЛОСОФСКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВАНИЯ НАУЧНОГО ПОЗНАНИЯ: СТРУКТУРА, ЛОГИКА И ТРАНСФОРМАЦИЯ В КОНТЕКСТЕ СОВРЕМЕННОСТИ	210
30	Абдуллаева А. РАБОТА НАД ФОРТЕПИАННЫМИ ПЬЕСАМИ Р. ГЛИЭРА В КЛАССЕ ОБЩЕГО ФОРТЕПИАНО	217

31	Saidumarov I. ESTRADA XONANDALIGI SAN'ATI HAMDA VOKALDAN DARS BERISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARINING O'RNI VA AHAMIYATI	223
----	--	-----

JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

32	Бердиниязова Н.К. МЕҲНАТ ЖАМОАСИДА КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	228
33	Пердебаева К.Р. БАСПАСӨЗ ДИЗАЙНЫ ҮСТИНДЕ ИСЛЕЎ (Газетаның арнаўлы санлары анализи мысалында)	234

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER
XABARSHÍSÍ
Ilimiy-metodikalıq jurnal

